

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси

Убайдулла Солиҳ ўғли Завқий

Таваллудининг 150 йиллиги муносабати билан

Методик-библиографик қўлланма

Тошкент – 2003

Илмий-методик бўлим томонидан тайёрланди

Тузувчи: М. Матмурадова
Муҳаррир: Х. Маматраимова
Компьютерда терувчи: З. Жалилова

Ўзбек халқпарварлик адабиётининг йирик намояндаси Убайдулла Солиҳ ўғли Завкий таваллудининг 150 йиллигига бағишланган ушбу методик-библиографик кўлланма шоир ижодини, меросини чуқур ўрганиш, тарғиб ва тарғибот қилишда кутубхона ходимларига ёрдам бериш мақсадида тузилган. Унда кутубхоначилар ўтказиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми ҳақида маълумотлар берилган.

Фарғона адабий муҳитида
камол топган Муқимий, Фурқат,
Завқий... каби улуғ маърифатчи-
ларнинг миллатимиз маънавий
ҳазинасига қўшган ҳиссалари ҳам
бекиёсдир.

И.Каримов

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг
биринчи чорагида яшаб ижод этган йирик ижодкорлардан
бири Убайдулла Солих ўғли Завқийдир.

Ижтимоий мавзуларда, даврнинг долзарб
муаммоларига диққатини қаратган, мустамлака воқели-
гига ва ижтимоий ҳаётдаги салбий ҳодисаларга танқидий
баҳо берган, меҳнаткаш халқ ҳаётидан, шаҳар ва
қишлоқнинг эзилган табақаси турмушидаги лавҳаларни
бадий таҳлил қилиб асарлар яратган шоир Завқийдир.

Шунингдек, замонасида хон-бекларни маориф,
илму фан ривожига етарли аҳамият бермаганликларига ўз
асарларида алоҳида урғу берган адиблардан биридир.
Чунончи, «илму ҳунарга жазм этмаган, умрини шоҳона
ишрату базмларда ўтказган ўтмиши хону беклари»га
нафрат ўқиган шоирдир.

У яратган ишқий ғазал ва мухаммасларида ҳаёт
шавқи ва гўзалликларидан баҳрамандликка ундайди,
севги-садоқатни улуғлайди, инсоний ҳис-туйғуларни,
нозик кечинмаларни ниҳоятда таъсирчан тарзда равшан
ифодалагани билан алоҳида ажралиб туради.

Завқийнинг адабиётимиз тарихидаги ўрни ҳақида
гап кетганда алоҳида лирик шеърлар, ҳажвиялар, «саёҳат-
нома»лар, дostonлар яратган истеъдодли шоир сифатида
бой ва мазмунли асарлар яратганини таъкидлаш зарур.

У яратган асарлар кутубхоналаримиз каталог ва
картотекаларида ўз аксини топган.

2003 йилда шоирнинг таваллудига 150 йил тўлади. Ўзбек халқи бу санани нишонлайдилар.

Республика кутубхоналарининг вазифаси китобхонлар диққатини Завқий ижодига жалб қилиш ва унинг ижодини тарғиб қилишдан иборат.

Бу ишда кутубхоналар адабиётлар тарғиботининг китоб тақдими, учрашув кечалари, савол-жавоб кечалари, давра суҳбати, билимдонлар беллашуви, мавзули ва мунозара кечалари, хотира соати, китоб кўргазмалари, асарларининг обзори сингари турли-туман шакл ва усулларидан фойдаланишлари мумкин.

Бундай тадбирлар туркумини ташкил этиш учун кутубхоналарда мавзунинг асосий мазмунини етказиб бера оладиган филологлар, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар, санъатшунослар, жураналистлар ҳамда адабиёт ўқитувчиларини жалб қилиш лозим.

Кутубхоналарга «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг жойлардаги бўлимлари, «Маҳалла», «Олтин мерос», «Соғлом авлод учун», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар, адабиётшунослар, хотин-қизлар кўмиталари, журналистлар билан ҳамкорликда оммавий тадбирларни ташкил этишлари ва ўтказишларини маслаҳат берамиз.

Ушбу методик-библиографик қўлланмада кутубхоналарда шоирнинг 150 йиллигига бағишланган тадбирларни ўтказишга кутубхоначиларга ёрдам бериш мақсадида китобхонлар билан ишлашнинг айрим шакллари кўриб чиқилган.

Убайдулла Солиҳ ўғли Завқий ҳаёти ва фаолияти (1853-1921)

Завқий - XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошлари ўзбек адабиётининг йирик вакиллари билан бирдир. Ўзбек халқпарварлик адабиётининг йирик намояндаларидан бири, маърифатпарвар шоир Убайдулла уста Солиҳ ўғли Завқий 1853 йилда Қўқон шаҳрининг Шайхон маҳалласида (ҳозирги Завқий маҳалласида) майда хунароманд оиласида дунёга келди.

Убайдулланинг 1853-1876 йиллар орасидаги болалик ва йигитлик даврлари феодал хон ва бекларнинг тож-тахт, амал-мансаб талашувлари давом этиб келган Қўқон шаҳрида ўтади.

Унинг ота-онаси саводсиз бўлсалар ҳам болаларини ўқитиб, саводли қилиш орзусида эдилар. Шунинг учун ҳам Убайдуллани 6-7 ёшларидаёқ маҳалладаги эски усул бошланғич мактабга ўқишга берадилар.

1870-71 йилларда Убайдулла тоғаси Муҳаммад Сиддиқ ёрдамида Қўқондаги «Мадрасаи олий» ва «Мадрасаи Чалпак» деб аталмиш мадрасаларда илм олади.

Унинг тоғаси Муҳаммад Сиддиқ адабиётга қизиқувчи кишилардан бўлиб, ўзи ҳам ғазаллар ёзиб турган. У ўз жияни Убайдулланинг адабиётга қизиқишига катта эътибор беради, унга Алишер Навоийнинг «Чор девон» ва «Хамса» асарларини сотиб олиб беради.

Убайдулла мадрасада ўқиб юрган йиллари, шоир Муқимий, Қўқоннинг Сулаймон қишлоғидан келган шоир Насриддин (тахаллуси Нусрат), Пахтакаш маҳаллалик Муҳаммадқул Мирза Муҳаммадрасул ўғли Муҳаййир (1842-1918) каби шоирлар билан танишади. Унинг ўзи ҳам шу йиллардан бошлаб Завқий тахаллуси билан шеърлар ёза бошлайди. Завқий юқоридаги шоилар билан

бирга дарс тайёрлайди, бўш вақтларида ҳаммалари биргаликда ўзбек, тожик мумтоз адабиётининг йирик намояндалари Лутфий, Навоий, Жомий, Бедил ва бошқаларнинг асарларини мутолаа қилишади.

Завқий мадрасада ўқиб юрган йиллари (1870-1874) унинг онаси вафот этади. Онаси вафотидан кейин Завқий рўзғорга қарашиши, укаларини тарбиялаш мақсадида ҳовлиси яқинидаги «Мадрасаи Чалпак»ка кўчиб келади. У бу мадрасада ўқиб юрган вақтида шоир Фурқат билан дўстлашади.

Отаси Уста Солих, шол касалига учрагандан кейин бутунлай ётиб қолади. Оила олдингидан ҳам оғирроқ моддий қийинчиликларга учраганлигидан, Завқий мадрасадаги ўқишини бутунлай ташлашга, оилага қараш, рўзғор тебратиш учун косибчилик билан шуғулланишга мажбур бўлади.

Шоир Завқий ижодининг дастлабки даврига оид шеърлари жумласига унинг 1875-76 йиллар орасида Фарғонада бўлиб ўтган ижтимоий тарихий ҳодисалар билан боғланган «Чекиб хасрат демиш хон шаҳри Хўкандимдин айрилдим» мисраси билан бошланадиган 7 банд 35 мисралик бир мухаммаси, «Қарз», «Пашшалар» радифли ўзбекча ғазалларини киритиш мумкин.

Завқий сиёсий лирикалар, ўткир сатиралар билан бир қаторда давом этиб келаётган адабий анъаналарга мувофиқ, ишқ-муҳаббат, гўзаллик мавзуларида ҳам шеърлар ёзган. Шоир ўзининг ишқий шеърларини ижод этишда Муқимий, Фурқатлар каби Алишер Навоий ижодига эргашади, у илоҳий ишқ-муҳаббатни эмас, чин инсоний севгини куйлайди. Шоир ошиқ ва маъшуқаларнинг бир-бирига меҳру вафоли, садоқатли бўлишини талаб қилади, ҳижрон, вафосизлик дард-алам-

ларидан шикоят қилади. Унинг «Оромижон», «Кимга дей», «Эй насими» мухаммаслари ва бошқа ғазаллари ана шундай шеърларидандир.

Завқий пок севгини инсоний фазилат деб билади, унингча севги аҳлининг қалби тоза, виждонли, бир-бирларига хиёнат қилмайдиган, бошқаларга намуна бўладиган, ахлоқли кишилар бўлиши керак. Шоир бу фикрни чиройли бадиий образлар орқали ифодалайди:

Қани менга вафоу аҳд қилғонинг гули ғунча,
Қани булбул сифат олдингда турғоним очилгунча,
Қани бизларга ҳам суҳбат рақиблардек тонг отгунча,
Сени дарду фироқинг айтиб-айтиб йиғлай ўлгунча,
Юзингни бир кўрай десам, кўлингни пардалар қилдинг.

Завқий 1880-1885 йилларда кўзга кўринган ёш шоир бўлиб танилди. Унинг яқин дўстлари, адабий суҳбатдошлари Муқимий, Фурқат, Насриддин, Нисбат, Муҳаййирлар эди. Унинг шу йилларда ёзган ғазалларида учрайдиган куйидаги мисралар Завқийнинг ким билан дўст-ошно бўлганлигини яхши исботлайди:

Сочса Муқимий гуҳар, сўз бирла Фурқат акбар,
Суҳбатда барча дилбар Завқ этди меҳмонлар.

Муқимий, Завқий атрофига фақат шоирларгина тўпланиб қолмай, Маматбува, Мўмин қишлоқи, Эрка Қори, Дадажон ҳожи, Фарзинбек, Мулла Қодирқул, Мулла Аҳмад, Мамажон Макай каби ўз даврининг уста аскиячи-халқ қизиқчилари, созандалари, ҳофизлари ҳам йиғилар эдилар. Булар гоҳ Муқимий хужрасида, гоҳ Завқийнинг дўконхонасида, уйида, баъзан бошқа ўртоқларникида тўпланишиб, суҳбат қилишар, бир-бирларига жавобан

турли мавзуларда шеърлар айтишар, мутолаа қилишар эдилар.

Қўқон шаҳридаги бозорлар пудратчиси Мўминжон бой Завқийни мирзалик хизматиға қабул қилмоқчи бўлади. Тоғасининг илтимоси ва ўзининг тортаётган қийинчилиги туфайли шоир рози бўлиб, бойнинг қўлида 3-4 йил (1885-1890) ишлайди. Аммо у қосибчилик ҳунарини ҳам, аввалги ёр-дўстларини ҳам ташламайди. Мўминжон бой савдо билан Туркистоннинг кўп шаҳарларига борар эди. Завқий ҳам хўжайини билан бирга Хўжанд, Тошкент, Бухоро, Андижон каби шаҳарларда бўлади, савдогарларнинг кўпи билан танишади.

1898-99 йиллар ичида Завқийнинг бошига оғир мусибатлар тушади: бир йил ичида отаси, иккала укаси кетма-кет вафот этадилар, хотинининг икки кўзи ожиз бўлиб, охири у ҳам вафот этади, уч қиз, бир ўғил шоир қўлида қолади.

Завқий 1900 йилда Ҳожихон номли бир уйғур хотинга уйланади.

1900 йилда Завқий ҳаж сафарига отланган тоғаси Муҳаммад Сиддиққа ҳамроҳ бўлиб қатор мамлакатларни босиб, Макка ва Мадинани зиёрат қилади. Унинг таассуроти «Хўжжожу Макка аҳлига чуну чаро деманг» мисраси билан бошланувчи шеърида ўз бадиий ифодасини топган.

Завқийнинг «Обид мингбоши ҳақида ҳажв» (1906), «Шоҳ Иноят кўрбоши» (1908) каби сатиралари, «Каждор мараз эй замона» (1905), «Кам суханлик» (1912-13 йиллар), «Қаҳатлик» (1916), «Ажаб эрмас» (1916) каби сиёсий лирикаларида аввалгиларга қараганда озодлик, келажакка умид билан қараш ғоялари кучлидир.

Жумладан «Ажаб эрмас» радифли мухаммас, фақат Завқий ижодида эмас, балки XX аср бошларидаги бутун

Ўзбек ижтимоий-сиёсий шеърлятида катта ҳодиса бўлди. Бунда шоир мустамлака асорати остида эзилаётган она юртнинг кулфатли кунлари унут бўлиши ҳақида сўз очади, оғир иқтисодий ҳаёт кечириётган халқнинг бахтли тақдири ҳақида, бўлажак катта ижтимоий ўзгаришлар хусусида башорат қилади.

Ўтиб бир қарн акроним жаҳон обод кўргайсиз!

Жаҳон аҳлини золим зулмидан озод кўргайсиз!

Гирифтори алам эрмас-ҳаммани шод кўргайсиз!

Завқий 1917 йил март ойининг охирида «Кўз очайлик» ридифли саккиз банддан иборат бир мухаммас ёзади.

«Кўз очайлик» мухаммасида ҳам дини ислом, шариатнинг юртимизда янада раванқ топишига умид билдирилган бандлар мавжуд.

Алҳамдулиллоҳ бўлди раванқ физо шариат,
Қилди замона сайқал, топди жило шариат,
Ҳаргўша гар эшитсун, қилди нидо шариат,
Йўл бошлади, тутиб қўл бу раҳнамо шариат,
Кўп йил азоб чекинг, жаннатга кўз очайлик

Завқий ўзбек халқчил адабиётининг таниқли намояндаларидан биридир. Завқий ижоди бўйича бир неча олимлар илмий иш олиб борганлар ва бормокдалар. Завқийнинг асл девони топилган эмас. Шунинг ҳам алоҳида айтиш керакки, Ҳиндистонлик Завқий, XVI асрда яшаган самарқандлик Завқий, XIX аср ўрталарида Бадахшонда ижод этган Абдуқаҳҳор бинни Муҳаммад Завқий ва Ғулом шох Завқийлар билан биз мулоҳаза юритаётган Завқийни чалкаштирмаслик керак.

Ўз замонасидаги жабр-зулмга қарши ўт очган, умрининг охиригача меҳнаткаш халққа содиқ қолган

Завқий қийин мураккаб ҳаёт ва ижодий йўлини босиб ўтди.

Шунингдек Завқий жуда мураккаб ва тарихий воқеаларга бой бир даврда яшаб ижод этган тенглик ва адолат куйчиси сифатидаги маърифатпарвар бўлиб қолди.

Завқий 1921 йил май ойида олтмиш саккиз ёшида вафот этади.

Бутун умри давомида озод ҳаёт учун курашган Завқийнинг ижодий мероси ва амалий фаолияти юксак кадрланди, унинг ўз халқига қилган хизматлари тақдирланди. Завқий туғилиб ўсган «Шайхон» маҳалласи - «Завқий маҳалласи», шоир яшаган Каримбобо қишлоғи «Завқийобод» деб аталди. Жамоа хўжалиги, мактаб, кўчалар шоир номига қўйилди.

Унинг ҳозиргача маълум бўлган асарлари жуда оз бўлишига қарамай, ўзбек адабиёти дарсликлари, мажмуаларига киритилиб, унинг ҳаёти ва ижоди ўзбек мактабларида, олий ўқув юртлирида ўрганилмоқда. Халқимиз шоирнинг ажойиб шеърларини ҳозирги кунимизгача ҳам ўз хотирасида сақлаб қўшиқ-ашула қилиб куйлаб келмоқда.

Маърифатпарвар шоир Завқий мактаб, илм ҳақида

Ҳамиша шуъбадагар давр кўрғазур бози,
Жаҳон тўла бари хангомадур қишу ёзи,
Фалакни (нг) ҳар кишига бу тағофилу нози,
Очилди мактаб, ўқитди синишни устози,
Ким ўлса рўбарў, бир дамда ўргатиб қолди.

* * *

Илму хунарлар ўрнига пулдор тўнг буйин,
Уч-тўртти йиғилиб қилишур ит каби ўйин,
Эҳсони ғарибга йўқ, шоҳона қилур тўйни,
Айтса адо бўлмас сира минбаъд феълу хуйин,

Гуссаи дилим, шарҳ айласам асрор мунча кўп.

* * *

Шоҳона ширату базм мадҳига айладилар назм,
Илму хунарға йўқ жазм, ўтмишки бегу хонлар.

* * *

Ким ишда илму ҳикмат қўллар очар тилсимот,
Ўтхона бирла бир ряд кетур бари вагонлар

* * *

Илму хунар ривожи, бўлғай ақлни (нг) тожи,
Ҳам юрту эл хирожи, собит топура омонлар

Убайдулла Солиҳ ўғли Завқий ҳақида

Завқийнинг бизгача сақланиб келган асарлари унчалик кўп бўлмаса ҳам, уларнинг мазмуни ниҳоятда муҳим ва характерлидир.

Ғ.Каримов

Адиб қалби замоннинг кўзгуси, дейилган гап нақадар ҳақ. Завқий шеърлари, унинг ҳар бир сўзи ўз даврининг бениҳоя ҳаққоний реалистик кўзгусидир. У ўзининг меҳнаткаш эл дардига кўзгу бўлгани билан ҳам айрича ўринда туради.

И.Усманий

Ўзбек халқининг бой, образли тили, адабиёти, урф-одати, дидини яхши билган шоир Завқий ўз шеърларининг бадиийлиги, мазмуни устида ниҳоятда қунт билан ишлади, халқ тили бойлигидан, мақоллари, афоризм, атамалари, қочиримларидан баракали фойдаланди, ўз шеърларининг юмористик кучини, таъсирчанлигини оширди.

Ҳ.Раззоқов

Завқий XIX асрнинг 70-90 йилларидаёқ халқчил шоир сифатида узил-кесил шаклланиб, давр адабий

хаётида кўринарли ўрин эгаллади, шеърят мухлислари орасида шуҳрат топди.

А.Абдуғафуров

У ўзбек классик адабиёти ва демократик адабиётининг энг яхши ва илғор традицияларини давом эттиргани ҳолда замона руҳи билан суғорилган оригинал сатирик, юмористик ва лирик асарлар муаллифи сифатида танилди.

М.Мирзааҳмедова

Билимдонлар беллашувини ташкил қилишга тавсиялар

Завқий ижодий фаолиятини биласизми?

Танловнинг мақсади китобхонларни Завқий ижоди, унинг таржимаи холи, хотира ёдномалари, у ҳақидаги нашр этилган асарларини юқори ўқилиши орқали қизиқишларини оширишдан иборат.

Беллашув ўтказишдан олдин фаол китобхонлардан ҳар бири 8-10 кишидан иборат бўлган 2 та билимдонлар гуруҳи тузилади. Уларга асосан ишчилар, талабалар, мактаб, коллеж, лицей ўқувчилари, кутубхоначилар киритилиши мумкин. Беллашув ташкилотчилари билимдонларга бериладиган саволларни тузиб чиқадиладар. Сўнгра шу саволлардан айримларини танлаб ҳар икки гуруҳга мўлжаллаб қўйилади. Кутубхонада бериладиган саволларга доир адабиётлар тайёр туриши керак. Беллашувга тайёрланиш жараёнида қатнашувчилар ўша адабиётларни пухта ўқиб чиқишлари зарур.

Билимдонларнинг эътиборини шоирнинг алоҳида нашрларига, у ҳақидаги асарларга қаратиш керак.

Беллашув ўтказиладиган жойда Завқийнинг ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи китоб-суратли кўрғазмасини ташкил этишни тавсия қиламиз.

Куйида беллашувга кўйиладиган саволлардан намуналар келтирамиз. Шунга қараб кутубхоначилар, билимдонлар қайси асарлардан фойдаланишлари кераклигини билиб оладилар.

1. Завқий қачон ва қаерда таваллуд топган?

(Ўзбек адабиётининг йирик вакилларида бири Убайдулла Солиҳ ўғли Завқий 1853 йили Қўқон шаҳрининг Шайхон маҳалласида камбағал қосиб оиласида дунёга келди).

2. Завқийнинг болалик ва йигитлик даврлари қаерда ўтади?

(Завқийнинг 1853-1876 йиллар орасидаги болалик ва йигитлик даврлари феодал хон ва бекларнинг тож-тахт, амал-мансаб талашувлари давом этиб келган қонли қирғинларига марказ бўлган Қўқон шаҳарида ўтади).

3. Завқийни адабиётга қизиқишига ким ёрдам беради?

(Завқийнинг тоғаси Муҳаммад Сиддиқ адабиётга қизиқувчи кишилардан бўлиб, ўзи ҳам ғазаллар ёзиб турган. У ўз жиянининг адабиётга қизиқишига яхши эътибор беради).

4. Завқий мадрасаси Мирда ўқиб юрган пайтида қайси шоирлар билан танишади?

(У мадрасаси Мирда ўқиб юрган пайтида, шоир Муқимий, шоир Насриддин (тахаллуси Нусрат), Муҳаммадқул Мирза Муҳаммадрасул ўғли Муҳаййир қабилар билан танишади).

5. Завқий бўш пайтларида қайси мумтоз адабиётнинг вакиллари асарларини мутолаа қилган?

(Завқий бўш пайтларида ўзбек, тожик мумтоз адабиётининг йирик намоёндалари Лутфий, Навоий, Жомий, Бедил ва бошқаларнинг асарларини мутолаа қилган).

6. Ушбу мисралар шоирнинг қайси мухаммасидан олинган?

Атолик кул эрурман ўз қўлимда ихтиёрим йўқ,
Жамоалар ичида бир калакдек эътиборим йўқ,
Ғарибу бекасу афтодаман, хешу таборим йўқ.
Ҳама бешафқат, гўё мусофирман диёрим йўқ,
Дили бегонага ўхшаш тағолар бор экан бундай.

(Фахрий Румонийнинг М.А.Айёмов қўлида сақланувчи автограф баёзида ҳам Завқийнинг бир қанча шеърлари ўрин олган. Баёзнинг 298-303 бетларида Завқийнинг шу кунгача кўпчиликка маълум бўлмаган бир неча ғазал ва мухаммаслари мавжуд. Жумладан «Жафолар бор экан бундай» мавзусидаги мухаммаси ҳам).

7. Қуйидаги мисралар шоирнинг қайси мухаммасидан олинган?

Сунбулу райҳон сочар гулбарги раъно кокулинг.
Ноз ила пироханингни очма, олам ўртанур,
Ошиқ бўлмиш Ҳўқандин то Бухоро кокулинг.
Завқий Ҳўқандий исминг ҳарфини, эй Қумрихон
Айлади байтиға сарбаста муаммо кокулинг.
(«Кокулинг» мухаммаси)

8. Ушбу мисралар шоирнинг қайси мухаммасидан олинган?

Қилғон ишинг ҳамиша зиён экан, Бектурбой,
Кўп одамлар дастингдан сарсон экан, Бектурбой,
Кўнглунг бузук, ниятинг вайрон экан, Бектурбой,
Сен кантўрлар ичинда ямон экан Бектурбой,
Темур сандуқ дегани ёлғон экан Бектурбой.
(Завқийнинг «Ҳажви Завқий, мухаммаси Муҳаййир» идан олинган).

9. Ўлкада эрк ва озодликка улкан ишонч ҳукм сурган даврда Завқий қандай мухаммасларини яратган ва ундан бир парча ўқиб беринг!

(Эрк ва озодликка улкан ишонч ўлкада ҳукм сурган шароитда «Кўз очайлик», «Ажаб эрмас» каби мухаммасларини яратган.

«Кўз очайлик» мухаммасидан парча.

Битсин, ҳамият айланг, бу хор-зор очлик,
Айлайди меҳнат аҳлин кўп бемадор очлик,
Кимни қилиб бечора, кимларни бор очлик,
Қишлоғу шаҳримизга бўлганми ёр очлик.

Бу шум бало йўқолсун, иллатга кўч очайлик...)

10. Шоирнинг қайси мухаммаси истиқлол орзусида, Туркистонда миллий қадриятларимиз, дин ва шариат яна қайтадан равнақ топишга умид қилиб ёзилган ва ушбу

мухаммасдан парча келтиринг?

(Завқийнинг «Ажаб эрмас» мухаммаси Туркистонда миллий қадриятларимиз, истиқлол орзусида, дин ва шариат яна қайтадан равнақ топишини умид қилиб ёзилган асарларидан биридир.

Насими жонфизо бемор танга, эй сабо еткур,
Хазон пажмурда бўлганларга сан обу ҳафо еткур,
Қўй энди биз билан бегонани бир ошно еткур,
Гадомиз бошлар узра соялар солсун Хумо еткур.
Муқаррардур замона инқилоб ўлса ажаб эрмас.)

11. Завқийнинг қайси ғазали санъаткорларимиз томонидан ойнаи жаҳонда ва радио тўлқинларида, халқимизнинг энг яхши кунларида айтилиб келинмоқда, ундан парча келтиринг.

(Завқийнинг «Айлаб келинг» ғазали севимли хонандаларимиз томонидан куйланиб келинмоқда.

Кулбам аро, эй маҳлиқо, бир йўл хиром айлаб келинг,
Янги келинчаклар каби бизга салом айлаб келинг.

* * *

Шўхлик қилиб, ўйнаб-кулиб, гул шоҳига сайраб-қўниб,
Ҳам тути-ю булбул бўлиб, ширин калом айлаб келинг).

12. Завқий қайси мухаммасида ҳижрон, айрилик,
натижасида пайдо бўлган кучли эҳтирос, дард-аламни зўр
хаяжон билан тасвир этади ва шу мухаммасдан парча
келтиринг!

(Шоирнинг «Кимга дей» мухаммаси.

Дилдаги розимни, эй боди сабо, мен кимга дей,
Сен кўнгил сиррига маҳрам ошно, мен кимга дей,
Чекканимни зулму бедоду жафо мен кимга дей,
Ҳасратим кўп, бир парига ошноман, кимга дей,
Ишқида куйган юрак, бағри адоман, кимга дей.)

13. Ушбу мисралар шоирнинг қайси ғазалидан
олинган? Уни давом эттиринг!

Эй менинг риштаи жонимга чекилу соз кел,
Айтайин ҳижрон ғамидин мен ҳам анда роз кел...

* * *

Айладим булбул каби ҳардам фиғон гулёр деб,
Сен ҳам энди бир замон айлаб менга шаҳноз кел.
(Ушбу мисралар Завқийнинг «Кел» ғазалидан
олинган).

14. Завқий шоирлардан ташқари яна кимлар билан
йиғилишар эдилар?

(Завқий фақат шоирлар билангина тўпланиб
қолмай, Маматбува, Мўмин қишлоқи, Эрка Қори,
Дадажон ҳожи, Фарзинбек, Мулла Қодиркул, Мулла
Аҳмад, Мамажон Макай каби ўз даврининг уста аскиячи-
халқ кизикчилари, созандалари, ҳофизлар билан ҳам
йиғилишар эдилар).

15. Шоир ўз шеърларида қандай инсоний фазилатларни тарғиб этди?

(Шоир ўз шеърларида адолат, инсоф, соғлом ахлоқ, виждон ва бошқа шу каби олижаноб инсоний фазилатларни тарғиб этди).

16. Завқийнинг яқин дўстлари, адабий суҳбатдошлари кимлар эди, улар билан ошно бўлганлигини қандай билса бўлади?

(Унинг яқин дўстлари, адабий суҳбатдошлари Муқимий, Фурқат, Насриддин, Нисбат, Муҳаййирлар эди. Завқийнинг шу йилларда ёзган ғазалларида учрайдиган қуйидаги мисралар унинг ким билан дўст-ошно бўлганлигини яхши исботлайди:

Сочса Муқимий гуҳар, сўз бирла Фурқат анбар,
Суҳбатда барча дилбар Завқ этди меҳмонлар).

17. Завқий Қўқон шаҳрида қандай кишилар билан алоқада бўлди?

(У Қўқон шаҳрининг маданиятли кишилари - олимлар, шоирлар, музикачилар, ҳофизлар билан яқин алоқада бўлиб турган).

18. Қайси асарларида ҳаёт шавқи ва гўзалликларидан баҳрамандликка ундайди, севги-садоқатни улуғлайди, инсоний ҳис-туйғуларни, нозик кечинмаларни ниҳоятда таъсирчан тарзда ифодалаган?

(«Юзунгни кўрсатиб аввал ўзингга бандалар қилдинг», «Ёр келур замона йўқ, келмаса-келмасин, нетай?», «Кулбам аро, эй махлиқо, бир йўл хиром айлаб келинг» мисралари билан бошланувчи асарларида. Масалан:

Юзунгни кўрсатиб аввал, ўзингга бандалар қилдинг,
Яна кўнглум олиб юз ноз бирла ҳандалар қилдинг.
Жамолинг партавин сочиб, ажойиб жилвалар қилдинг
Масихдек бир боқишда мурда жисмим зиндалар қилдинг
«Сенга мен то қиёмат ошно», деб ваъдалар қилдинг).

19. Завқийнинг қайси асарларида сурилган фикрлар ўқувчиларда яхши кайфият, қувноқлик уйғотади, зийракликка ундайди?

(«Таърифи калиш», «Отим», «Фонус», «Сигирим», «Пашшалар» каби юморлари).

20. Завқий ким билан бошқа мамлакатларга боради ва унинг таассуроти билан қандай шеър яратади. Ундан парча келтиринг?

(Завқий ҳаж сафарига отланган тоғаси Муҳаммад Сиддиққа ҳамроҳ бўлиб қатор мамлакатларни босиб, Макка ва Мадинани зиёрат қилади. Унинг таассуроти билан «Хужжож Макка аҳлига чуну чаро деманг» мисраси билан бошланувчи «Деманг» шеърини яратган.

Хужжож, Макка аҳлига чуну чаро деманг,
Ҳарчанд зулм кўрарсиз, ҳам оҳ-воҳ деманг.

* * *

Зиёрат учун келурсиз бу шаҳри араб учун
Яъни фалонини оқу фалонини қаро деманг.

* * *

Эҳсон этинг ғариблара имкон борича,
Аччиқ сухан била анга сиз бу жазо деманг).

21. Завқий шеърларида ўша даврда яшаган руҳонийлар, амалдорлар, бойлардан кимларни тилга олганини айтиб беринг?

(Улар Шоолим, Дукчи эшон, Иноят кўрбоши, Мединский, Обид мингбоши, Аҳмадхўжа қози, Абдурахмон шайтон, Амурбой, Эргаш, Худоёрхон ва бошқалар).

22. Қуйидаги мисралар шоирнинг қайси ғазалидан олинган?

Жоно, жамолингни кўриб, жононлар айтур офарин,
Ўз кўксига ўзи уриб, ёронлар айтур офарин...

* * *

Қадди ниҳолингга қараб, абру камонингга қараб,
Шоҳо, висолингга қараб, султонлар айтур офарин...
(Ушбу мисралар Завқийнинг «Офарин» ғазалидан
олинган).

23. Ушбу мисралар шоирнинг қайси ғазалидан
олинган ва уни давом эттиринг!

Эй ниғаҳбони тағофил, мунча зор айлар кўзинг,
Боқмай ошиқ сориға ағёр ёр айлар кўзинг,

* * *

Наргисингиз войким, ҳижрон зимистонидаман,
Кимга боқсанг дафъатан фасли баҳор айлар кўзинг.
(Завқийнинг «Кўзинг» ғазалидан олинган)

24. Завқийнинг ҳайвонларга, ҳашаротларга атаб
ёзган ҳажвий шеърларининг номини айтинг ва бирдан
парча келтиринг.

(«Отим», «Отинг», «Сигирим», «Пашшалар»,
«Пашшалар» (Муқимийнинг «Қурбақалар» шеърига
жавоб) ва бошқалар. «Пашшалар» шеърдан парча. 1874-
75 йилларда ёзилган.

Кечалар уйку бузиб безор қилди пашшалар,
Ниш уриб жарроҳдек, бемор қилди пашшалар.

* * *

Қўймади ёз ойларида зарра роҳат қилғали,
Бошима ғинг-ғинг қилиб бедор қилди пашшалар).

25. Завқийнинг қайси мухаммасларида
кадриятларимиз, дин ва шариатни яна қайтадан раванк
топишига умид билдирган бандлари мавжуд?

(Завқийнинг «Ажаб эрмас», «Кўз очайлик» каби
мухаммасларида).

26 Завқий ҳақида кимлар китоб ёзганлар?

(Завқийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида Шариф Ризо
(1910-1943) «Завқий» номли, Андижонлик адабиётшунос,

филология фанлари доктори Ҳошимжон Раззоков «Завқий хаёти ва ижоди» мавзусида китоб ёзган).

27. Завқий қайси мавзуларга кўпроқ мурожаат этган?

(Завқий ижодий фаолиятида замона, давр, фалак, эл, юрт мавзусига кўпроқ мурожаат этган).

28. Завқийнинг бир қатор ҳажвий асарлари маҳаллий бойлар, савдогарлар ва рус капиталистларини фош этишга бағишланган, улар қайсилар?

(«Вексель», «Аҳли раста», «Воқеаи қози сайлов», «Шоҳ Иноят кўрбоши ҳақида ҳажв», «Обид мингбоши ҳақида ҳажв», «Таладинг баринг» кабилар шулар жумласидандир).

Беллашув якунини махсус ҳакамлар маълум балл қўйиш билан якунлайдилар. Бунда жавобларнинг тўғрилиги, уларнинг қисқа кенглиги ҳам эътиборга олинади. Ҳакамлар ҳайъатига адабиёт ўқитувчилари, адабиётшунослар, санъаткорлар, ёзувчилар, шоирлар, журналистлар, шунингдек адабиёт билимдонлари таклиф этилади. Ғолибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Совға тариқасида китоблар, гуллар ва эсдаликлар топшириш мумкин.

Шеърхонлик беллашувини ташкил қилишга тавсиялар

Танловнинг мақсади китобхонларни маърифатпарвар шоирнинг севги-садоқат, маърифатпарварлик, халқпарвар, тенглик ва адолат мавзуларида ёзилган шеърларини юқори ўқилиши орқали қизиқишларини иширишдан иборат.

Беллашув ўтказишдан олдин фаол китобхонлардан 5 та кишидан иборат гуруҳ тузилади. Уларга асосан ишчилар, талабалар, коллеж, лицей, мактаб ўқувчилари, кутубхоначилар киритилиши мумкин.

Беллашув ташкилотчилари қатнашувчиларга бериладиган шартларни тузиб чиқадилар, сўнгра ҳар бир қатнашувчига рақам берилади. Беллашув қатнашувчилари айтмоқчи бўлган шеърнинг мавзусини, агар имкон бўлса қачон ёзилганлигини билиши шарт.

Беллашув ташкил қилинадиган жойда китоб кўзгазмасини ташки этиш лозим.

Қуйида беллашувда айтиладиган шеърлардан намуна келтирамиз.

1-рақамдаги қатнашувчи: «Юзингни кўрсатиб» мухаммаси.

Юзингни кўрсатиб аввал, ўзингга бандалар қилдинг,
Яна кўнглум олиб юз ноз бирла хандалар қилдинг.
Жамолинг партавин сочиб, ажойиб жилвалар қилдинг,
Масихдек бир боқишда мурда жисмим зиндалар қилдинг,
«Сенга мен то қиймат ошно» деб ваъдалар қилдинг.

* * *

Қани менга вафойи аҳд қилгонинг, гули ғунча?
Қани булбул сифат олдингда тургоним очилгунча?
Қани бизларга ҳамсухбат рақиблардек тонг отгунча?
Сани дарду фироқинг айтиб-айтиб йиғлай ўлгунча,
На деб, э меҳри йўк, мен хаста қулга ғамзалар қилдинг.

* * *

Деб эрдинг: кеча-кундуз мен сени ёринг бўлурман деб,
Тикондек суҳбатингда бир гули норинг бўлурман деб,
Жафони сенга оз айлаб вафодоринг бўлурман деб,
Умидим кўп эди ёлғиз харидоринг бўлурман деб,
Ажаб ким халқ ичида бул ҳавас деб шиквалар қилдинг.

2-рақамдаги қатнашувчи: «Айлаб келинг» ғазали.
Кулбам аро, эй маҳлиқо, бир йўл хиром айлаб келинг,
Янги келинчаклар каби бизга салом айлаб келинг.

* * *

Шўхлик қилиб, ўйнаб-кулиб, гул шоҳига сайраб-
кўниб,
Ҳам тўти-ю булбул бўлиб, ширин калом айлаб
келинг.

* * *

Султонлигинг изҳор этиб, оху кўзинг хуммор этиб,
Ағъёрни ҳам бемор этиб, бизни ғулом айлаб келинг.

* * *

Ишқ аҳлини шайдо қилиб, душманни кўп расво
қилиб,
Кўзларни ҳам шахло қилиб, аср ила шом айлаб
келинг.

3-рақамдаги қатнашувчи: «Кўз очайлик» шеъри.
Фурсат ғанимат, аҳбоб, миллатга кўз очайлик,
Саъи ила жону дилда ҳимматга кўз очайлик,
Номус, диёнат истаб ғайратга кўз очайлик,
Фанни (нг) ривож бирла санъатга кўз очайлик,
Умр ўтди зулмат ичра ғафлатга кўз очайлик.

* * *

Ул кунда бошга тушган савдони ҳеч унутманг,
Кўрган қиймат ойин ғавғони ҳеч унутманг,
Ҳар кимса онт ичарлик даъвони ҳеч унутманг,
Бу вақт бирлан эмди уқбони ҳеч унутманг,
Юрт-элга жону дилдан хизматга кўз очмайлик.

* * *

Истасанг ҳуқуқ илмин, якранг эмиш ҳукумат,
Бўлса ривож ҳар бир касбу ҳунарга руҳсат,
Жонларга қўйса миннат, истар кишига раҳмат,
Уйкудин уйғотинглар ҳожат талаб раият,
Бемор аср ўтти сихҳатга кўз очайлик!

* * *

Уммидимиз гули ҳам бу навбаҳор очилди,

Қон ёшлар оққанига юз лолазор очилди,
Шод ўл, халойиқ, охир лайли наҳор очилди,
Сармаст эдик ҳамиша эмди хумор очилди,
Хушёр ўлиб муваққат суҳбатга кўз очайлик!

4-рақамдаги қатнашувчи: «Нетай» ғазали.

Ёр келур замона йўқ, келмаса-келмасун нетай,
Сарф этарға ҳазона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

* * *

Маскани кўз ичра десам, мардум аро калон экан,
Таклиф этарға хона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

* * *

Эски бузук харобада чуғздек айладим ватан,
Бир тузук ошъёна йўқ, келмаса-келмасун нетай.

* * *

Маън этарга келмагин, кўп эмиш истихоралар,
Мундин ўтар баҳона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

* * *

Таъни законлар ўқлари кўксимизи ҳадаф қилур,
Келмагиндин нишона йўқ, келмаса-келмасун нетай

* * *

Журъаи жоми васлидин бермаса-бермасун менга,
Базми майи муғона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

5-рақамдаги қатнашувчи: «Ажаб эрмас» шеъри.

Бу кунлар бошимизда бир саҳоб ўлса ажаб эрмас,
Мунаввар зимнида бир офтоб ўлса ажаб эрмас,
Бу давлат сув юзинда бир хубоб ўлса ажаб эрмас,
Кўринса сурату асли ниқоб ўлса ажаб эрмас,
Очилса пардалар юзидин ҳижоб ўлса ажаб эрмас.

* * *

Насим жонфизо бемор танга, эй сабо еткур,
Хазон пажмурда бўлганларга сан обу ҳаво еткур,
Қўй энди биз билан бегонани бир ошно еткур,
Гадомиз бошлар, узра соялар солсун Ҳумо еткур,
Муқаррардур замона инқилоб ўлса ажаб эрмас.

* * *

Шиори шаръ бирлан зийнат афзо ўлса Фарғона,
Тонг эрмасдурки шахри жаннат асло ўлса Фарғона,
Ҳавоси руҳпарвар ҳам диларо ўлса Фарғона
Жаҳон аҳлига гўё дафъи савдо ўлса Фарғона,
Бўлиб тупроғи анбар, сув гулоб ўлса ажаб эрмас.

* * *

Ўтиб бир қарн, акроним, жаҳон обод кўргайсиз,
Жаҳон аҳлини золим ҳаддидин озод кўргайсиз,
Гирифтори алам эрмас, ҳамани шод кўргайсиз,
Бурунги ўтгану кетган кўнгулда ёд кўргайсиз,
Қариган чоғида Завқий бир шабоб ўлса ажаб эрмас.

Беллашув 3 босқичдан иборат бўлиб, ҳар бир босқичда баҳоланиб борилади.

Беллашув якунини махсус ҳакамлар маълум балл қўйиш билан якунлайдилар. Бунда шеърларнинг маъно ва мазмуни, айтувчининг ижрочилик маҳорати ҳам эътиборга олинади. Ҳакамлар ҳайъатига адабиёт ўқитувчилари, ёзувчи ва шоирлар, журналистлар, адабиётшунослар таклиф этилади. Ғолибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Совға тариқасида китоблар, гуллар ва эсдаликлар топшириш мумкин.

Оғзаки журнал

Кутубхоналарда ўтказиладиган кечаларнинг яна бир тури оғзаки журналдир. Тарғиботнинг бу шакли оддий журналга бир оз ўхшаб кетади. Оғзаки журнал ҳам матбуот журнали каби битта мавзуга ёки турли мавзуларга

бағишланган бўлиши мумкин. Оғзаки журнал ҳам шоирнинг шеърини, мухаммасини, маърифат, маориф, ўзбек халқпарварлик адабиётининг йирик намояндаларига доир шарҳловчининг чиқишларини ўз ичига олиши мумкин. Журнал саҳифалари босмахонада босилмайди, аммо муаллиф сўзлари билан оғзаки тўлдирилади. Бундай муаллифлар кутубхоначилар, адабиёт ўқитувчилари, фаол китобхонлар ва бошқалар бўлиши мумкин.

Оғзаки журналнинг ҳар бир саҳифаси бирор-бир масалага бағишланади. Саҳифаларнинг умумий сони эса одатдаги журналдан бирмунча кам бўлиб, олти бетдан ошмайди.

Кутубхонада ўтказиладиган кечалардагидек оғзаки журнални ҳам бошқарувчи, бу ерда муҳаррир деб аталувчи киши очади. Одатда у ҳар бир саҳифани очишдан илгари қисқача кириш сўзи сўзлайди, сўнг сўзни чиқувчига беради.

Куйида Убайдулла Солиҳ ўғли Завқийнинг туғилганига 150 йил тўлиши муносабати билан ўтказиладиган оғзаки журналнинг тахминий режасини тавсия этамиз. Унда шоир Убайдулла Солиҳ ўғли Завқий таваллудига бағишланган кеча ўтказишда фойдаланиш мумкин.

**«Убайдулла Солиҳ ўғли Завқий халқпарвар шоир»
номли оғзки журналнинг намунавий режаси**

Завқийнинг ҳаёти ва ижодини, сатирик шоирлигини кенг китобхонлар ўртасида тарғиб этишда «оғзаки журнал»лар алоҳида ўрин тутади.

Оғзаки журнал ўтказиш тўғрисидаги битик (эълон) лар осиб қўйилади ва маҳаллий матбуот орқали хабар берилиши керак; оғзаки журнал ўтказиш учун зални жиҳозлаш, керакли мутахассисларни таклиф этиш, журнал саҳифалари учун фаол китобхонлардан ёки мутахассис-

лардан танлаб олиш, тартибини режалаштириш, журнал муҳарририни тайинлаш, мусикали ёзувларни тўплаш, таклифнома буюртириш, китоб кўргазмаси учун сарлавҳа танлаш, адабиётларни йиғиш ва шу каби ташкилий ишларни амалга ошириш лозим.

Оғзаки журнални муҳаррир кириш сўзи билан очиши керак.

Ушбу оғзаки журнал қуйидаги саҳифаларга бўлиниши мумкин.

1-саҳифа: «Завқийнинг ёшлик йиллари».

2-саҳифа: «Илк ижоди».

3-саҳифа: «Завқий ишқ-муҳаббат куйчиси».

4-саҳифа: «Завқий сатирик шоир».

5-саҳифа: «Завқий ҳаётининг сўнгги йиллари».

Ушбу саҳифалар бўйича мутахассислар танланиб, чиқишлар қилинади.

Ҳар саҳифадан сўнг мусикали танаффус берилади.

1-саҳифа «Завқийнинг ёшлик йиллари».

Ушбу саҳифада Завқийнинг туғилган йили, болалигининг кечиши, дастлабки мактаб даври ва ўқувчилик даврининг кечиши ҳамда яқунланиши ҳақидаги маълумотлар берилади.

2-саҳифа «Илк ижоди».

Бу саҳифада Завқийнинг биринчи мухаммаси, шоир сифатида шаклланиш даври ва ундан кейинги мухаммаслари ҳақида гапирилади.

3-саҳифа «Завқий ишқ-муҳаббат куйчиси».

Ушбу саҳифада унинг ишқ-муҳаббат, гўзаллик, чин инсоний севгини куйловчи шеърлари тўғрисида гапирилади.

4-саҳифа «Завқий сатирик шоир».

Бу саҳифада унинг сатираларида ярамас нуқсонларга нисбатан ғазаб, пичинг, кесатиш, фош

қилувчи кулги шаклларида фойдаланганлиги хақида гапирилади.

5-саҳифа «Завқий ҳаётининг сўнгги йиллари».

Бу саҳифада унинг сўнгги йиллардаги ижоди хақида гапирилади.

«Убайдулла Солиҳ ўғли Завқий халқпарвар шоир» номли оғзаки журнал муҳаррири ҳар бир саҳифа бошланиши ва сўнггида саҳифаларни тўлдириб бориши зарур. Оғзаки журнал сўнггида хулосавий, якуний сўзни сўзлаб журнални ёпади.

«Завқий тенглик ва адолат куйчиси» номли китоб-суратли кўргазмани ташкил этиш учун материаллар

Таклиф этилаётган китоб кўргазмасининг мақсади кутубхонада ўтказиладиган тадбирларни тўлдириш, кенг мустақил ўтказишга ёрдам беришдир.

Кўргазма қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

1. Завқий биографиясининг саҳифалари.

Убайдулла Завқий адабиётимиз тарихидан фақат ижтимоий-сиёсий ва ҳажвий шеърлар муаллифи сифатидагина эмас, балки, айни замонда, истеъдодли юморист ва нозикдид лирик ижодкор сифатида ҳам ўрин олган.

А. Абдуғафуров

Бу бўлимга Завқий биографияси берилган нашрлар қўйилади.

2. Завқий халқчил шоир.

Ўтиб бир қари, акроним, жаҳон обод кўргайсиз,
Жаҳон аҳлини золим ҳаддидин озод кўргайсиз.

Завқий

Бу бўлимга Завқийнинг алоҳида ўзбек тилидаги ва бошқа тилларга таржима қилинган нашрлари қўйилади.

3. Завқий маърифатпарвар шоир.

Илму хунар ривожи, бўлғай ақлни (нг) тожи,
Ҳам юрту эл хирожи, собит топура омонлар.

Завқий

Бу бўлимга шоирнинг мактаб, илм, маориф ҳақида ёзилган асарлари қўйилади.

Қуйида яна кутубхоналар ўтказиши мумкин бўлган тадбирлар туркумини ҳавола этамиз

Мавзулар тахминий бўлиб, вилоят кутубхонасидан то қишлоқ кутубхоналаригача ҳар бир кутубхона тадбирларнинг ўзи учун маъқул шаклини танлаб олиши, уларни маҳаллий материаллар билан тўлдириши мумкин.

Савол-жавоб кечаси

1. «Завқий ижтимоий-сиёсий ва ҳажвий шеърлар муаллифи».

2. «Завқий шеърларида ватанпарварлик ғояларининг илгари сурилиши».

«Маърифатпарвар шоир» мавзусида китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Мунозара кечаси

1. «Алишер Навоийнинг Завқий ижодига таъсири».

2.«Завқий асарларида шахслар фаолияти ва табиатидаги ярамаслик, пасткашлик, нопоклик, фирибгарлик каби иллатларнинг ҳажвий муносабат билан қаламга олинishi».

«Ватанини улуғлаган шоир» мавзусида китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Билимдонлар беллашуви

1. «Завқийнинг ҳажвий шеърларини биласизми?»

2. «Завқийнинг мухаммасларини биласизми?»

3. «Адолатсизлик, ҳуқуқсизликнинг шоир мисраларида қаламга олинishi».

«Истиклолни умид қилган шоир» мавзусида китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Давра суҳбати

1. «Завқий лирикасида маърифат, маориф, мактабнинг улуғланиши».

2. «Завқий мухаммасларида истиклол орзусини умид қилиб улуғланиши».

3. «Завқий шеърларида ҳайвонлар, ҳашаротлар мавзуларининг қаламга олиниши».

«Завқий сатирик ва юмористик шоир» мавзусида китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

«Завқий 150 ёшда» рукни остида картотека тузиш ва асарларининг алоҳида нашрлари, у ҳақидаги материаллар билан картотекани бойитиб бориш.

«Завқий 150 ёшда» рукни остида мавзули папкалар ташкил қилиш ва расмларининг альбомларини ташкил қилиш.

Қатнашувчилар: жойлардаги «Маънавият ва маърифат», «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Олтин мерос», «Соғлом авлод учун», «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари вакиллари, хотин-қизлар кўмиталарини, филологлар, ёзувчи ва шоирлар, журналистлар, санъаткорлар ҳамда кенг китобхонлар оммасини жалб қилиш масқсадга мувофиқ.

Адабиётлар

Завқий. Танланган асарлар /Нашрга тайёрловчи Ҳ.Раззоқов.-Т.: Ўзадабийнашр,1958.-125 б.

Завқий. Танланган асарлар /Нашрга тайёрловчи Ҳ.Раззоқов.-Т.: Ўзадабийнашр, 1960.-112 б. - (Ўзбек классиклари кутубхонаси).

Завқий. Сатирик шеърлар; Ҳажви акли раста; Ҳажви дукчи эшон; Қарз; Сув жанжали; Бўл; Фарғона //Шарқ юлдузи.-1955.-№6.-Б.52-57.

Завқий. Ажаб эрмас:[Шеър] //Шарқ юлдузи.-1967.-№10.-Б.20.

Завқий. Кокилинг: [Янги топилган ғазал] //Меҳнат ва турмуш.-1977.-№8.-Б.25.

Завқий. Эй гулим, Қай кун борурман гулшани гулзорингга... [Шеърлар] //Гулистон.-1980.-№12.-Б.21.

Завқий. Навоий ғазалига мухаммас //Шарқ юлдузи.-1991.-№5.-Б.144.

Завқий. Юзингни кўрсатиб: [Ғазал] //Гулистон.-1991.-№12.-Б.29.

* * *

Раззоқов Ҳ. Завқий ҳаёти ва ижоди.-Т.: Фан, 1955.-94 б.

Убайдулла Завқий //Ўзбек адабиёти тарихи Vтом. XIX арсинг иккинчи ярмидан Улуғ октябрь социалистик революциясигача /Редкол.: В.Абдуллаев, А.Абдуғафуров, В. Зоҳидов ва бошқ.- Т.: Фан, 1980.-Б.312-345.

Убайдулла Солиҳ ўғли Завқий (1853-1921) //Ўзбек педагогикаси антологияси: Икки жилдлик. Ж.1. /Тузувчи-муаллифлар: Қ.Ҳошимов, С.Очил; Таҳрир хайъати: М.Хайруллаев ва бошқ.:.-Т.:Ўқитувчи, 1995.-Б.371.-378.

Завқий (1853-1921) //Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машхур сиймолар, алломалар, адиблар) /Масъул муҳаррир: М.М.Хайрулаев. Тўлд. қайта

нашр.-Т.: А.Қодирий ном. халқ мероси нашриёти, 1999.-
Б.348-352.

Завқий (1853-1921) //Маънавият юлдузлари:
(Марказий Осиёлик машхур сиймолар, алломалар,
адиблар) /Тўпловчи ва масъул муҳаррир:
М.М.Хайруллаев.-Тўлд.қайта нашр.-Т.: А.Қодирий ном.
халқ мероси нашр., 2001.-Б.365-369.

Завқий //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3
жилд. Гидрофилия-Зебралар. Таҳрир ҳайъати: М.Аминов
ва бошқ.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат
илмий нашриёти, 2002.-Б.651.-652.

* * *

Шодиев Э. Завқий Хўжандда // Ўзбек тили ва
адабиёти.-1971.-№3.-Б.60-64.

Жўрабоева Р.А. Завқий шоирнинг завқсиз ҳаёти:
[Шоир Завқий ҳақида] //Фан ва турмуш.-1971.-№5.-Б.20-
22.

Мадаминов А. Мушоиралар: [Шоирлардан Фурқат,
Завқий ва Умидийларнинг биргаликда ёзган шеърлари]
//Ўзбекистон маданияти.-1974.-26 нояб.

Абдуғафуров А. Зокиржон Фурқат ва Убайдулла
Завқийнинг номаълум асарлари //Ўзбек тили ва адабиёти.-
1976.-№3.-Б.65-68.

Каримов Р. Ноёб топилмалар: Завқийнинг янги
топилган ғазали // Ўзбекистон маданияти.-1977.-17 май.

Усманий У. Кўнгулда халойиқ меҳри: [Убайдулла
Солих ўғли Завқийнинг 130 йиллиги] //Ўзбекистон адабиёти ва
санъати.-1983.-19 авг.

Қуронов Д. «Ажаб эрмас» шеърининг тўлиқ
нусхаси: Илмий ахборот: [Ўзбек шоири Убайдулла Завқийнинг
мазкур асари хусусида] //Ўзбек тили ва адабиёти.-1997.-№3.-
Б.47-48

Маҳмудов Ғ. «...Баднафсга ёр бўлмай ўл»: Сўз мулкига
сайхат [Завқийнинг сатирик ва ғазаллари]
//Фан ва турмуш.-1997.-№6.-Б.26.